

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**

Темиров Ортиқ Суюнович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил тадқиқотчisi

***<https://doi.org/10.5281/zenodo.8349904>***

**Аннатация.** Бугунги кунда дунёнинг илғор олий таълим муассасаларида бошқарув тизимини такомиллаштириши, демократик ва либерал тамойилларни жорий этишига доир кўплаб амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, академик мустақиллик тамойилларини жорий этилишии ОТМларнинг ҳозирги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий воқеликка мослашиши ҳамда ривожланишига муҳим шароит яратади. Шу нуқтаи назардан, кўплаб илмий тадқиқот марказларида олий таълим тизимида профессионал бошқарув, академик мустақиллик тамойилларини жорий этиши борасида турли фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, таълим, фасилитация.

Мамлакатимизда ҳам кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда олий таълим муассасалари бошқарувига доир илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш, Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантириш, олий таълим муассасаларини тизимли равища ривожлантиришва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш каби қатор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар асосида олий таълим муассасалари бошқарувини янгича стандартларга мослаштириш, илғор хорижий олий таълим муассасалари бошқарув тизимини ўрганиш, самарали жиҳатларини миллий таълим тизимига жорий этиш вазифалари долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантириш йўлида жиддий қадамлар кўйилмоқда. Таълимни ривожлантиришучун маблағ миқдори йил сайин ортиб бормоқда ва бу янги ёндашувни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Биз тобора юқори малакали, замонавий раҳбарлар тайёрлашда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланишга гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-2909-сон Фармонида “ҳар бир олий таълим муассасаси дунёнинг етакчи илмий ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўқув жараёнига илғор технологияларни кенг жорий этишга интилиши, ўқув дастурлари ва ўқув материаллари асосида халқаро таълим стандартлари бўйича ўқув-услубий фаолиятга фаол жалб қилиш, маҳорат дарсларини ўтказиш, дўстона хорижий таълим муассасаларининг юқори малакали ўқитувчилари ва олимлари учун малака ошириш курслари, улар асосида тизимли равища ёш ўқитувчи ва тадқиқотчilar учун амалиёт ўташни ташкил этиш, шунингдек, профессор-ўқитувчilarни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” каби вазифалар белгилаб берилган.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL CONFERENCE  
“DIGITAL TECHNOLOGIES: PROBLEMS AND SOLUTIONS OF PRACTICAL  
IMPLEMENTATION IN THE INDUSTRY”  
APRIL 27-28, 2023**

Олий таълим муассасасини бошқариш – бу таълим муассасасининг самарали ишлшини таъминлаш мақсадида турли даражадаги бошқарув субъектларининг тизимли, онгли ва мақсадли ўзаро алоқасидир. Олий таълим муассасасини бошқаришнинг асосий функциялари – бу таълим муассасаси учун ўзига хос йўналишга эга бўлган ва ягона бошқарув циклини ташкил этадиган таҳлил, мақсадларни белгилаш ва режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ва тартибга солишдир.

Таълимни бошқариши такомиллаштиришнинг мухим йўналиши олий таълим муассасаларининг мустақиллигини оширишdir. Замонавий шароитда таълим амалиётида “таълим товар сифатида” моделининг етакчи қоидаларидан фойдаланиш жуда долзарб бўлиб бормоқда. ОТМдаги бошқарувнинг замонавий моделини лойихалаш сифатли таълимни ташкил этиш сиёсатига қаратилиши керак, мос равищда ОТМни бошқаришда энг мухими – универсал сифат бошқаруви тизимини қўллашdir. Раҳбарнинг ижтимоий ва маданий етуклик даражаси, унинг мазмунли самарали ҳаракат қилиш қобилиятининг намоён бўлиш даражаси таълим сифатининг мутлақ мезонидир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълимни юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди. Айниқса, олий таълим муассасаларининг замонавий бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш, раҳбарлик лавозимларига муносиб номзодларни тайёрлаш ҳамда уларнинг билим ва қўникмаларини ривожлантириб бориш тизимини такомиллаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда, Бу, ўз навбатида, олий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий менежментни ривожлантиришда мухим роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти тез ўзгаришларни, карор қабул қилишнинг мослашувчанлиги ва ижодкорлигини, ташаббусни талаб қиласи. Ходимлар жамоада ишлаш қўникмаларига эга бўлиши, муаммони аниқлай олиши ва уни ҳал қила олиши керак. Фасилитация усули ходимларнинг ижодий ташаббусини озод этишга, ОТМ фаолиятини такомиллаштириш ва талабанинг эҳтиёжларини қондириш жараёнига барча даражадаги ходимларни тўлиқ жалб қилишга қаратилган.

Фасилитация (инглизча, facilitate - осонлаштириш, ёрдам бериш) – гурӯҳ ичидаги ўзаро алоқани осонлаштириш, гурӯхга вазифани бажариш, муаммони ҳал қилиш ёки иштирокчиларнинг ўзаро қониқиши учун келишувга эришиш учун ёрдам бериш жараёни хисобланади. Фасилитатор – бу ўқитувчи. Фасилитациянинг мақсади аниқ таълим масалаларини – ечимларни топиш, муаммоларни таҳлил қилиш, ғояларни тўплаш, вазифаларни аниқлаштириш, ҳаракатларни режалаштиришни ҳал қилишdir.

Семинарда бир гурӯҳ талабалар қуйидаги сценарий бўйича ишлайди:

ОТМнинг амалий қараашларини аниқлаш; ОТМнинг узоқ муддатли қараашларини амалга ошириш учун муаммолар/тўсиқларни таҳлил қилиш; тўсиқларни енгиб ўтишнинг стратегик йўналишларини аниқлаш; тизим ҳаракатларини лойиҳалаш; календар режасини тузиш.

Ўқитувчи фасилитация усули билан ишлашда қуйидагиларга таянади:

гурӯхнинг ҳар бир иштирокчисининг ғоялари қабул қилинади, ҳар қандай ғояга эътибор берилади, афзал ғоялар йўқ, ғоялар қўрсатилиши мумкин, аммо рад этилмайди;

стратегик режалаштириш фаолияти гурӯҳ иштирокчилари томонидан мухимроқ деб хисобланадиган ғоялар тез-тез тилга олинади, мос равищда энг мухим ғоялар танланади;

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL CONFERENCE  
“DIGITAL TECHNOLOGIES: PROBLEMS AND SOLUTIONS OF PRACTICAL  
IMPLEMENTATION IN THE INDUSTRY”  
APRIL 27-28, 2023**

фасилитация усулларини тушуниш ва улардан фойдаланиш учун пул сарфлашнинг хожати йўқ, ақлий хужум пайтида қоғоз, фломастер ва шахсий ва гуруҳ ишланмалари бўлган қоғоз ва рақамларни биректирилган тахта бўлиши кифоя. Раҳбарлар фаолиятни стратегик режалаштиришда иштирок этиш орқали усулни ўрганадилар, шунинг учун маҳсус тренинглар ўтказишга хожат йўқ;

тадбирларни стратегик режалаштириш натижасида олинган ҳаракатлар режасини амалга оширишга ҳаракат қилиб, кейин бундай йигилишини қайта-қайта тақорорлаб, семинар иштирокчилари қайси ўзгаришлар осонроқ, қайси бири қийинроқ, қаерда вазиятни яхшилаш учун қўпроқ ҳаракат қилиш кераклигини тушунадилар.

Фаол семинар жараёнида янги бошқарувчилар ва келажақдаги раҳбарлар фасилитация усулини ўрганиш жараёнида қўйидагиларга эга бўлади:

фасилитатор томонидан ташкил этилган гуруҳ муҳокамасида иштирок этиш;

жамоада ишлаш;

фасилитация воситалари – самарали гуруҳ муҳокамаси, қарор қабул қилиш, мулокотнинг самарадорлигини бевосита синааб қўриш;

учрашувлар, стратегик ва операцион режалаштириш сессияларини ўтказиш.

Шундай қилиб, ёш раҳбарлар етакчиликнинг янги турини ва улар учун янги бошқарув усулларини ўрганадилар. Бундан ташқари, улар нафақат ўз ҳамкаслари билан долзарб бошқарув муаммоларини муҳокама қилиш, балки уларни бартараф этиш стратегиясини яратишга ҳаракат қилиш, кўпинча тўсиқларни енгиб ўтиш, уни такомиллаштириш имконияти эканлигини қўриш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлади.

Янги ижтимоий-иктисодий шароитлар бугунги кунда раҳбарлар нафақат педагогик мутахассислар, балки профессионал ташкилотчилар, профессионал иктисодчилар хам бўлишини талаб қиласади. Бўлажак мутахассислар ўзларига юкланган асосий ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қила оладиган ва тизимли, концептуал, стратегик фикрлай оладиган, муассасани ривожлантирадиган, инновацион иктисодиётда рақобатбардошлигини ошириш учун зарур ўзгаришларни амалга оширадиган замонавий раҳбарларни тайёрлашни ўзларининг вазифаси деб билишади. Ва бунга лойиха асосида ўқитиш технологияси ёрдам беради.

Лойиха асосида ўқитиш технологияси ўқув жараёнини ташкил этишнинг мослашувчан модели сифатида қаралади, унинг интеллектуал имкониятларини, иродали фазилатларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали талаба шахсини ижодий ўзини ўзи англашга, ташкилотдаги ўзгаришларни лойихалаш, ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш жараёнида, янги хизматларни яратишга қаратилган. Лойиха фаолиятининг натижаси ўқув ижодий лойихалари бўлиб, уларни амалга ошириш босқичмабосқич, маълум бир тизимда амалга оширилади.

Шундай қилиб, лойиха асосида ўқитиш муаммоли соҳани батафсил таҳлил қилиш, асосий муаммоларни аниқлаш, уларнинг мавжудлиги сабабларини ва улар келтириб чиқарадиган оқибатларни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишининг самарали стратегиясини танлаш ва ишлаб чиқиш имконини беради.

**REFERENCES:**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL CONFERENCE  
“DIGITAL TECHNOLOGIES: PROBLEMS AND SOLUTIONS OF PRACTICAL  
IMPLEMENTATION IN THE INDUSTRY”  
APRIL 27-28, 2023**

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5847-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2022 й., 4-сон, 26-модда.
3. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. Т. «Турон-Иқбол». 2006. 196 бет.
4. Котлер Ф. Стратегический менеджмент по Котлеру: Лучшие приемы и методы. / Ф. Котлер. - М.: Альпина Паблишер, 2016. - 132 с.
5. Fayzievna, H. M. (2012). Ways Of Professional Training Of Children With The Limited Opportunities. Social and Natural Sciences Journal. <https://doi.org/10.12955/snsj.v4i0.289>
6. Hakimova Muhabbat, Jakhongir Shaturaev. TRANSFORMING EDUCATION: HARNESSING THE SYNERGY BETWEEN MANAGEMENT AND LEADERSHIP SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 2 ISSUE 6 JUNE 2023 -279-294
7. Khakimova M. Developing independent and creative activity of students. - Journal Homepage: -www.journalijar.com RESEARCH ARTICLE 2021.